

## Хадича онамизнинг Набий алайҳиссалом билан турмуш қуришлари



10:36 / 23.10.2024 8159

Хадича розияллоху анҳонинг иккинчи эри вафот этганидан кейин бева қолганди. Зодагон, гўзал ва бадавлат бўлганлари учун Қурайш зодагонларидан баъзилари унга уйланмоқчи бўлишди. Негадир Хадича розияллоху анҳо барча таклифларни рад этавердилар. У киши вақти-соати келиб, юрагини забт этадиган одамни топишига ишончи комил эди.

Бир куни у ҳовлисига катта бир қуёш тушганини, ҳовлининг ҳамма томонини зиё ва чиройга тўлдирганини, ўша ердан туриб ҳамма ёққа зиё сочаётганини туш кўрди. Эрта билан Хадича самовий китобларни яхши биладиган амакиваччаси Варақа ибн Навфалникига бориб, кўрган тушини бошдан-оёқ сўзлаб берди.

Варақа ибн Навфал амакисининг қизини диққат билан тинглаб бўлгач, виқор ва севинч билан:

«Эй амакимнинг қизи, суюнчи бер! Агар Аллоҳ тушингни ўнгидан келтирадиган бўлса, ҳовлингга нубувват зиёси кирадиган бўлибди! У ердан набийлар хотамининг файзи жўш урадиган бўлибди!» деди.

Ўша кундан бошлаб у кўрган тушининг таъсирида яшади. Набийларнинг хотами ва унинг сифатлари бир лаҳзага ҳам унинг хаёлидан кўтарилмас эди. У Аллоҳ таолодан ўша тушининг ўнгидан келишини сўрар, ўз ҳовлисидан нубувват зиёси таралишини истарди.

Шу тариқа орадан ҳафталар, ойлар, йиллар ўтди.

Бир куни Қурайш аёлларининг Каъба атрофида тўпланиб ўтказадиган байрамларида қизиқ бир воқеа юз берди. Аёллар Каъба атрофида турганларида бир киши келиб: «Эй Қурайш аёллари! Орангиздан пайғамбар чиқадиган вақт яқинлашди. Сизлардан ким унга тўшак бўла олса, ўша ишни қилсин!» деди. Мушрика аёллар уни тошбўрон қилиб, ҳақорат қила кетишди.

Хадича розияллоҳу анҳо эса унинг бу гапларини яхши қабул қилди. Сафардан қайтгач Майсара Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда кўрган ажойиб ҳолатларни сўзлаб бергани-да, Хадича онамиз Варақа ибн Навфалга айтиб берди. Шунда Варақа: «Агар шу гаплар ҳақ бўлса, Муҳаммад ушбу умматнинг пайғамбаридир. Мен шундай бўлишини билар эдим», деди.

Хадича хаёлан ўтмишга қайтди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар жабҳадаги гўзалликлари ҳақида фикр юритар экан, беихтиёр юраги ҳапқириб кетганини ҳис қилди. Тижоратдан ташқари, илм ва ҳикмат эгаси бўлган Хадича аёл сифатида ўша пайтдан бошлаб Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўриб қолган ва у зотга нисбатан севгидан ташқари бошқа руҳий ҳаловатни ҳам ҳис қиларди. У қирқ ёшга тўлган бўлса-да, қалбида у зотга турмушга чиқиш, содиқ умр йўлдош бўлиш, пайғамбарликларини яқиндан кўриш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби юксак орзу ва истаклар тўлиб-тошган эди. Шу билан Абу Толибнинг йигирма беш ёшли жиянининг олдига одам юбориб, дилидагиларни шу тарзда изҳор этти: «Жамол, мол, шараф ва ўз тенгингга даъват қилинсанг, уйланасанми?»

Қўлида пули бўлмагани учун уйланишни хаёлига ҳам келтирмаган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хижолат бўлиб, амакилари Абу Толиб билан ушбу никоҳ таклифини муҳокама қилди. Узоқ вақт давомида амакиси Абу Толибнинг ҳимояси остида яшаган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам энди амакисига ортиқча юк бўлишни истамас эди. Чунки унинг ҳам молиявий аҳволи у қадар яхши эмасди. Жиянини ўйлаган Абу Толиб иккала томоннинг ҳам ушбу никоҳга ижобий фикрдалигини билиб, тўйга тайёргарлик кўришга розилик берди.

Никоҳ маросимининг санаси ва жойини шахсан Хадича онамизнинг ўзи белгилади. Хадича розияллоҳу анҳонинг уйида бўлиб ўтган никоҳ маросимида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг деярли барча яқинлари қатнашишди. Келин тарафдан эса Хадича онамизнинг амакиси Амр ибн Асад, амакисининг ўғли Варақа ибн Навфал ва бошқа яқинлари иштирок этишди.

Зиёфатлар берилгач, Абу Толиб ўрнидан туриб, насл-насабини қисқача баён қилди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг моддий аҳволини Хадича онамизнинг бойлиги билан солиштириб бўлмаслигини, бироқ у зотнинг фазилатлари ҳеч қандай моддий матоҳ билан ўлчаб бўлмайдиган даражада юқори эканлигини ҳам айтди. Сўнг Абу Толиб Хадича онамизга совчиликларини қуйидаги жумлалар билан билдирди:

«Укамнинг ўғли Муҳаммад ибн Абдуллоҳ қайси одам билан ўлчовга қўйилса, албатта, у яхшиликда ҳам, фазлда ҳам, шарафда ҳам, ақлда ҳам ва улуғликда ҳам бошқалардан устун келади. Агар моли оз бўлса, мол соя каби ўткинчи ва тўсгувчи нарсадир, қайтариб олинадиган қарздор.

Муҳаммаднинг қаробатини ўзингиз яхши биласиз. У Хадича бинту Хувайлидга совчилик қилди. Унга маҳр учун менинг молимдан ўн икки ярим увқия тилла берди. Аллоҳга қасамки, бундан сўнг унинг иши бўлур ва шаъни буюк бўлур».

Сўнгра Хадича розияллоҳу анҳонинг амакиваччаси Варақа ибн Навфал ўрнидан туриб, қуйидагиларни сўзлади:

«Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бизни сиз айтганингиздек яратди. Биз арабларнинг улуғлари ва раҳбарларимиз. Сизлар у нарсаларга аҳлсизлар. Сизларнинг фазлингизни бирор уруғ инкор этмайди. Одамлардан биронтаси сизларнинг фахрингиз ва шарафингизни рад этмайди. Биз сизларнинг арқон ва шарафингизга боғланишга рағбат қилдик. Эй

Қурайш! Гuvoҳ бўлингки, мен Хадича бинту Хувайлидни Муҳаммад ибн Абдуллоҳга тўрт юз динор маҳр ила никоҳладим».

Шу тариқа Хадича розияллоҳу анҳо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи завжалари бўлиш шарафига муяссар бўлдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларининг уйида бир неча кун яшаганларидан сўнг Хадича розияллоҳу анҳонинг уйига кўчиб ўтдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадича розияллоҳу анҳо билан қурган турмушларининг илк меваси Қосим дунёга келди. Шу боис у зотга Абул Қосим кунyasi берилган. Кейинроқ Зайнаб, Руқайя, Фотима, Умму Кулсум ва пайғамбар бўлганларидан кейин Абдуллоҳ (Тоҳир) туғилган. Улардан Қосим ва Абдуллоҳ ёшлигидаёқ Маккада вафот этишган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима розияллоҳу анҳодан бошқа фарзандлари у зотдан олдин вафот этишган. Фотима розияллоҳу анҳо ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олти ой ўтиб, дунёни тарк этган.

**«Миллионер саҳобалар» китобидан**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 март 03-07/1613-сонли хулосаси асосида тайёрланди.